

ХОЛИКНАЗАР ХОЛНИЙЭ

Наврӯзнома



«ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА
АҚЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2005

84(59)6-5 Бадзий 232 биёт
X-20

Шеърлар

Холиқназар Холниёз.

Наврӯзнома. Т.: «Шарқ», 2005. — 16 б.

Наврӯз халқимизнинг неча минг йиллик өзгу байрами. Наврӯзга багишлаб ҳалқ кўплаб шеърлар, кўшиқлар тұқыган. Бу мушоира давом этади. Холиқназар Холниёз-нинг «Наврӯзнома» гулдастасида Мустақиллик бошлаб берган өзгу ишлар, нозик туйрулар ўзига хос тарзда маддә этилади.

Ўз(2)

ХОЛИҚНАЗАР ХОЛНИЁЗ

НАВРӸЗНОМА


«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2005

№ 32053
09/

Мұхтаррір Б. Эшпұлатов
Мусаввир Х. Холниёзов
Бадий мұхтаррір Б. Бабоғонов
Техник мұхтаррір Р. Бобоғонова

Теріппә берилди 7.02.2005. Босишка рухсат этилди 16.03.2005. Бичими 84x108^{1/32}. «Академия» гарнитураси. Офсет босма. Шартлы босма табори 0,84. Нашриёт-жисоб табори 1,2. Адади нұсха 1000. Буюртма № 1187. Баҳсси келишилган наරда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонасы,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон күчаси, 41.



© Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2005.

Наврұз келмоқда!

Төр, қирлардан ошиб,
Елиб,
Югуреб,
Гуллардан поёндоz түшаб, улгуриб,
Жонажон Ватанга ташриф буюриб,
Гулларга бурканиб келмоқда Наврұз!

Роса безанибди маҳалла-күйлар,
Нишонланаятты маърака, түйлар,
Келажакка чорлар мусаффо ўйлар,
Баҳор атрин пуркаб келмоқда Наврұз!

Декону чорвадор, ишчи, пахтакор,
Меъмору мусаввир, раккос, бастакор,
Муаллим,
фуқаро,
олим,
шифокор —
Барчамиэнни күтлаб келмоқда Наврұз!

Оқ булатлардан нақш битиб осмонга,
Гуллар атрини сочиб ҳарёнга,
Таърифимиз ёйиб жумла-жаҳонга,
Шаънимиздан сүйлаб келмоқда Наврұз!

Беқасам желаги ял-ял товланиб,
Мустакыл Ватанда яйраб, қувониб,
Порлоқ келажакка қалдан ишониб,
Бахтимиэнни күйлаб келмоқда Наврұз!

Бахт құшии

Кишининг ташвишлари орқада қолди,
Заминга сеп ёйиб келди Ҳамалжон!
Ноз ила ҳәётта бир назар солди, —
Оламни чулгади завқу ҳаяжон!

Сочи бўйига тенг париваш Наврўз,
Бўйига етган қиздай етилган чори!
Атлас кўйнагини жаҳонга кўэ-кўэ —
Айлабон борликка очмиш қучорин!

Кучогида яйраб, яшнаган борлик,
Турфа хил гуллардан тузиб гулдаста,
Наврўз юртимиизга топширмиш ёрлик,
Бортириклик бу кун завқу ҳавасда!

Қалдироchlар уйда қуришар ошён,
Турналар кезишар мовий осмонда.
Юракларда тошар завқу ҳаяжон,
Бахту шодлик татир жумла-жаҳонга!

Элу ҳалқ безаниб чиқмиш сайилга,
Турфа либослардан кўзлар камашар,
Қанча шўхлик, шодлик бўлса майлига,
Бу кун шунчак завқу шодлик ярашар!

Авжига чиқкан кураш,
пойга,
купкари!
Паҳлавонлар кучин айлар намойиш!
Ўзбек ҳалқи дунё ҳалқи қатори
Кудратига берар бу кун оройиш!

Барча элу халқдар бу күн шод, журрам,
Мустақиллик гаштин суреб бахтиёр!
Юларда шодлигү лутф ила карам,
Осмон-қалбларда — Күёш-иғтихор!

Кимхобу зар кийган она, холалар —
Дошқазон бошида, қайнар сумалак,
Үчөкнинг гирдида қизу болалар,
Сумалакни таший олмасдан ҳалак!

Шаҳару қишлоқлар нечоғ фаравон,
Шодлиқдан қўзларда ёғилмоқда нур,
Кўнгилларда йўқдир заррача армон,
Барча толеига қилмоқда шукр!

Бағрини кенг очган «Нон шаҳри» — Тошкент,
Кўча-кўйлар тўла нозу-неъматта,
Турли-туман моллар тикилиб-тошган,
Шонли мустақиллик бу кун ҳимматда!

Ийд либосин кийиб безанган шаҳрим,
Бахти кулиб боққан жонажон пойтахт!
Инсоғу адолат туфайли фахрим,
Тинчу фаравондир, шу-да ахир бахт!

Шу буюк оламнинг боқий юраги —
Бошларда порларкан мураббий Күёш,
Ҳар қалбнинг ушалиб орэу-тилаги,
Шу кунга етаркан омон бўлса бош!

Наврӯз келди

Кутлур баҳор сепларидан чаккасига гуллар тақиб,
Бўйга етиб атлас кўйлак кийган қиздай кўзга ёқиб,
Нозик ҳаё, ибо билан кўнгилларга ўтлар ёқиб,
Мустақил бул юртимиизга ўйнагали Наврӯз келди!

Тозалигу ҳалолликда фариштага қиёс Наврӯз,
Гўзаллигу адолатда Сиёвушга тимсол Наврӯз,
Бутун борликни ўзига шайдо этган висол Наврӯз,
Тўрт минг йиллик тарихидан сўйлагани Наврӯз келди!

Қарамлиқдан озод диёр янги замон қурмоқдадир,
Мустақиллик дадил-дадил одим ташлаб бормоқдадир,
Ҳар фуқаро эркинликнинг гаштини ҳам сурмоқдадир,
Бу муборак давронларни қутлагани Наврӯз келди!

Ўзбекистонимда бу кун фасли баҳор зухур айлар,
Озодлик бахтидан сархуш бўлиб кўнгил ҳузур айлар.
Холикназар бу толедан мамнун бўлиб шукр айлар,
Бу айёмда биргаллашиб суюнгани Наврӯз келди!

Әңгүү күн шукроналари

Эй, ҳамал тунлари!
О, қиска тунлар!
Турналар сасидан учди-ку уйку!
Бу мусаффо тонглар!
Мунаввар кунлар! —
Күнгилда селдайин тощди-ку туйру!

Хоэир турилишу покланиш чоги,
Мехру муруватдан қалблар эриди.
Юраклардан кетиб қарамлик доғи,
Аlam-иэтироблар тамом ариди!

Шукрки, яхшилар шарофатидан
Кесилган тилимиз яна тикилди!
Улур мустақиллик кароматидан
Кемтик қолган жойлар қайта битилди!

Шу баҳтли кунларга етдик улувор,
Бошлардан ўтказиб зулмат тунларни,
Юракларда тошиб шодлик беғубор,
Қадрига етайлик ёруғ кунларнинг!

Шукроналар айтиб шу ёруғ Кунга,
Мархумларга таъзия айлайлик изхор.
Шу хоксор ва буюк вужудимиэда
Уларнинг қон, жони ва хислати пойдор.

Күзларга ҳар нарса ўтдай товланар.
Душманлар ҳам гүё дүстдай товланар.
Юракларда бир завқ, меҳр оловланар,
Сехринг ила, Наврӯз, сарвкомат дилбар!

Наврӯзни пешвоз олайлик, дўстлар!

(Кизим Гулбахорнинг дўстларига айтган шеъри)

1

Саҳро, чўллар ям-яшил —
Кийинибти кимхоб, зар!
Наврӯзой келишидан
Беришмоқда хушхабар!

Бекасам желак кийиб,
Ёнбошлаган мағрур қир,
Адрлардан Наврӯзой
Юриб келмоқда бир-бир!

Етилиб, атлас кийган
Ўзбек қизидай Наврӯз,
Ўзининг гўзал ҳуснин
Дунёга айлар кўз-кўз.

Бор тириклик уни бир
Кўрайин деб ўйғонар,
Ноэли бир нигоҳидан
Оlam завқка чулванар!

2

Келинг, дўстлар, биалар ҳам
Уни пешвоз олайлик!
Энди мангу эъзозлаб,
Унга содик қолайлик!

Наврӯзининг шарафига
Юртни этайлик обод.
Наврӯз ташриф буюриб,
Келганида бўлсин шод!

Атроф мұхит-жойларни
Тоза-озода туғиб,
Йұлларига гүл экиб,
Уни олайлық кутиб.

Шу әзгу-хайрли ишлар
Наврұзға тұхфа бүлсін.
Ёшлигимнәда қылған
Ишлардан күнгіл тұлсін!

Күчат әкиб, бояғ қилиб,
Унга тұхфа етайдык.
Боялар барқ үриб кетсін, —
Муродларға етайдык.

Сизларни Наврұз билан, —
Жамоли күз-күз билан,
Дүстларим, қуттай дедим,
Шоирона сүз билан!

Кутлуг бўлсин Наврӯзини

Неча аср туғилмай
Юрган, лекин ўлмаган,
Оёқостда унган гул,
Аммо ҳечам сўлмаган.
Кирки чикқан чақалоқ,
Бир ёшга ҳам тўлмаган.
Гоҳи «инга»лаб, ҳали
Кулишни ҳам билмаган,
Чақалоқ Узбекистон,
Кутлув бўлсин Наврӯзинг!

Биласанми Наврӯзи,
Қадим-қадим байрам бу!
Ер юзини безаган
Жуда-жуда кўркам бу!
Азалдан бизлар ила
Иқболи бир, ҳамдам бу!
Олам-олам завқ-шодлик
Келтирувчи ўқтам бу!
Қадрдон Узбекистон,
Кутлув бўлсин Наврӯзинг!

Наврӯз азиз меҳмонdir,
Йўлига илҳақ жаҳон.
Кимхобу зар сепини
Айлаб келмиш армуғон,
Азиз Ватан сен ҳар йил
Уни кутувчи мезбон,
Ноз-нельматта лиқ тўла
Ёзиб улкан дастурхон.

Меҳмондўст Ўзбекистон,
Кутлур бўлсин Наврўзинг!

Озодликка эришган
Вақтингни кутлар Наврўз,
Ўзлигингта ярашган
Тахtingни кутлар Наврўз,
Аллоҳ алқаб ушалган
Бахtingни кутлар Наврўз,
Истиқболга аталган
Аҳдингни кутлар Наврўз,
Бахтиёр Ўзбекистон,
Кутлур бўлсин Наврўзинг!

Сен қафасдан қутилиб
Учган қушдайин ҳурсан!
Халқлар аро мулокот —
Муросада машхурсан!
Шоҳу фуқароларга
Илк бешиксан, турурсан!
Фуқаронг Ҳолиқназар
Юрагида сурурсан!
Ифтихор Ўзбекистон,
Кутлур бўлсин Наврўзинг!

Юксалиш

Күл силтайлик ўттан надоматларга,
Калблардан ювайлик кеку губорни.
Багирни кенг очиб, аҳд, омадларга,
Каршилайллик, дўстлар, нурли баҳорни!

Бошларни силади озодлик ели,
Калблардан ариди хўрлик, қайгулар.
Қарамлик зулмидан кутулган элим,
Бизни чорлар бу Кун юксак туйгулар!

Бошларга Куёшдай балқи истиқбол,
Баҳт нури кўзларда чақнаб порлайди!
Олдинда маёқдай ёниб истиқбол,
Фаравон келажак сари чорлайди!

Азим салтанатлар тикланиб яна,
Дунёга таралгай шон-шуҳратимиз.
Миллий қадриятлар қилиб тантана,
Жаҳон аро ошгай куч-кудратимиз!

Шундай мамлакатта фуқаро бўлиш
Бахтидан бошимиз еттай осмонга.
Насиб эттан экан кувончга тўлиб,
Юз очдик-да биз ҳам ёруғ жаҳонга!

Шундай Ватан хиси қалбларда — ғурур,
Келажаги билан кўнглимиз тўқдир.
Шундан юракларда гаштли бир сурур,
Бу Ватан бағрида армонлар йўқдир!

Мустакил Ватанинг равнақи учун
Изланиб-интилар ҳар жону ҳар тан,
Жаҳонга намойиш айлаб қудратин,
Тараққиёт сари юксалар Ватан!

Наврӯз билан, жон маҳаллам

Мехрибон қўни-қўшилар,
гўёки ўз ота, онам,
Туғишгандай дўст-улфатлар
опам, токам, укам, холам, —
Барча элу хешим бўлган
қадроним, жон маҳаллам!
Бир оила аъзолари каби
иноғу тинч, гўзал олам,
Озодлигимиэни кутлаб
келган Наврӯз муборак!

Харсангтопларни қулатиб,
оққан тошқин сели билан,
Коматлару юз-бошларни
силаб эсган ели билан,
Ватанимизни безаган
турли-туман гули билан,
Қушларнинг шўх-шўх сайраши,
булбулларнинг тили билан
Бахтимиэни кўйлаб, кутлаб
келган Наврӯз муборак!

Уй тўрида қаср қуриб,
қалдириючлар сайрамоқда,
Деккон бобо кучга тўлиб,
үргони қайрамоқда,
Кирқ кулоқли дошқазонда
сумалаклар қайнамоқда,
Ешу қарри, бола-чака
завққа тўлиб яйрашмоқда,
Олам-олам қўвонч олиб
келган Наврӯз муборак!

«Иссиқхона»лардан турли
ноз-неъматлар узилган,
«Йчкари», «ташқари»ларда
дастурхонлар ёэилган,
Турли баҳор неъматлари,
сумалаклар сузилган,
Ишқ-вафодан яшнаб күэлар
бир-бирига сузилган,
Гүзал сепи билан тўйлаб
келган Наврӯз муборак!

Кучорингда ҳеч хор бўлмас
етим, ёлғиз, бечора ҳам,
Бор-йўрини қўни-қўшни
бир-бири-ла кўрган баҳам,
Уйим, жойим, элу-хеппим,
Ота, онам, жон маҳаллам,
Етим боланг Холикназар
сени кутлайди ушбу дам,
Тарихий баҳтингни куйлаб
келган Наврӯз муборак!

Пушаймон ва изҳор

Неча йиллар сени, афсус, унутдик,
Бевафолик қону зардобин ютдик,
Ҳижронингда куйдик, сориндик, кутдик.
Минг шукрки, бу Кун васлингта етдик.
Ўн тўрт кунлик Ойдай Наврўз, онажон!

Қадру қимматингга энди етармиз,
Юракларни сенга кафтда тутармиз,
Шарафингта газал, қўшиқ битармиз!
Сенинг билан истиқболга етармиз,
Гул жамолинг айлаб қўз-қўз, онажон!

Наврўз тухфаси

Бизни силади бу йил онажон баҳор:
Тухфа этди бизга илҳом парисин!
Етмиш йиллик орзу ғунчаси илк бор
Нижоят, очилди бари, бариси!

Эй яхшилар, бу кун, бу баҳтли айём
Завқ, қувончимиизга бўлингиз шерик!
Кўнгилларда жами истак мухайё,
Кувнайлик бу Кун тул, чечаклар териб!

О, Наврўзи олам!
Бу кун сен — она!
Биз энди туғилган жажжи чақалоқ!
Биздан йироқ бу Кун ташвиш ила ғам,
Биз бу Кун бир гўдак,
Шўж,
Ўйинқароқ!..

Наврӯз тилаклари

Наврӯзгул айёми бу он бекиёс
Жонларга бераркан ҳаловат, ҳузур,
Дунёда тургунча шу бокий қуёш,
Дўстлар, мен Сизларга тилайман умр!

Мехмонимиз бўлсин доимо Наврӯз —
Табиат накъоши, моҳир санъаткор.
Жамолин ҳамиша айлабон кўз-кўз,
Гуллардан поёндоз тўшасин баҳор!

Ўзбекистонимиз соғлом юраги —
Тошкентимиз бўлсин яна фаравон.
Ҳамманинг ушалиб орзу-тилаги,
Ватан қучорида сурайлик даврон!

Ҳамиша юраклик қувнаб,
Яирашиб,
Наврӯздан Наврӯзга етиб соғ-омон.
Она-Ер ҳуснига Ойдай ярашиб,
Яшиаб турсин доим жон Ўзбекистон!

Дунёнинг белига бўлолган камар,
АЗИМ Ипак Йўли уэра карвони
Дунёга қайтадан айларкан сафар,
Тилайман: соғ бўлсин улут Сарбони!

Мустакил Ватанда ҳамма ҳам комил,
Эй дўстлар, доимо бўлайлик омон,
Инсон-чун, аввало, энг зарур омил:
Ҳамиша тинч бўлсин жумлаи жаҳон!